


Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари шарҳи

2022 йил октябрь



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Тошкент 2022 йил

Аҳолининг инфляцион кутилмалари


Октябрь ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, аҳолининг келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича **инфляцион кутилмалари¹** ўтган ойга нисбатан бироз пасайиб, **15,1 фоиз** атрофида шаклланган бўлса, медиана қиймати² **12,3 фоизгача** юқорилади (1-расм).

1-расм. Аҳолининг инфляцион кутилмалари динамикаси, (фоизда)



Келгуси 12 ойда инфляция кўрсаткичи жорий даражада ёки ундан юқоририоқ бўлишини кутаётган респондентларнинг улуши аввалги ойга нисбатан **2 фоиз** бандга юқорилаган (2-расм).

2-расм. Инфляцион кутилмаларнинг жорий инфляцияга нисбати (респондентлар улуши, фоизда)




¹ **Инфляцион кутилмалар** – инфляцион кутилмаларнинг турли групҳари бўйича мос жавобни белгилаган респондентлар сонининг ўша жавоблар ўртacha қийматига кўпайтмалари йифиндисини жами респондентлар сонига нисбати (ўртacha тортилган кўрсаткич).

² Инфляцион кутилмаларнинг **медиана қиймати** – келгусидаги инфляция бўйича жавоблар вариацион қаторини тенг иккига бўлувчи қиймат.

Октябрь ойида инфляцияни келгусида **13-16 фоиз** ҳамда **17-20 фоиз** атрофида бўлишини кутаётган аҳоли улуши юқорилаган (3-расм).

3-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича аҳоли жавобларининг тақсимоти (респондентларнинг улуши, фоизда)



Респондентлар томонидан келгуси даврда нархларга оширувчи босим кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида импорт товарлари ва **асосий озиқ-овқат маҳсулотлари (49 фоиз)**, валюта курсининг қадрсизланиши (**44 фоиз**) ҳамда **нархларнинг сунъий оширилиши (34 фоиз)** таъкидланган (4-расм).

4-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари (респондентларнинг улуши, фоизда)


| Омиллар | Январь | Февраль | Март | Апрель | Май | Июнь | Июль | Август | Сентябрь | Октябрь |
|---|--------|---------|------|--------|-----|------|------|--------|----------|---------|
| Импорт товарлар ҳамда асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши | 41 | 43 | 49 | 53 | 55 | 56 | 55 | 48 | 42 | 49 |
| Валюта курсининг ўзгариши | 37 | 49 | 54 | 43 | 26 | 25 | 33 | 35 | 42 | 44 |
| Нархларнинг сунъий оширилиши | 35 | 30 | 37 | 34 | 37 | 41 | 43 | 37 | 31 | 34 |
| Ёқилғи ва энергия ресурслари нархининг қимматлашиши | 25 | 20 | 18 | 23 | 27 | 27 | 36 | 34 | 27 | 30 |
| Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши | 31 | 28 | 23 | 22 | 39 | 34 | 29 | 31 | 28 | 27 |
| Турар жой ва ижара тўловларининг ошиши | 15 | 14 | 11 | 14 | 11 | 11 | 12 | 15 | 18 | 22 |
| Супермаркет ва бозорларда нархлар ўртасидаги фарқнинг юқорилиги | 10 | 11 | 11 | 14 | 14 | 14 | 14 | 11 | 11 | 11 |

Шу билан бирга, **турар жой ҳамда ижара тўловларининг ошишини** кўрсатган аҳоли вакилларининг улуши ўсувчи динамикани сақлаб қолган (**18 фоиздан 22 фоизгача**).

Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари


Жорий йилнинг октябрь ойи якунлари бўйича келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича бизнес вакилларининг **инфляцион кутилмалари** ўтган ойга нисбатан 0,4 фоиз бандга юқорилаб, **14,2 фоизни ташкил этди**, медиана қиймати эса **12,0 фоизни** атрофида шаклланди (5-расм).

5-расм. Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари динамикаси (фоизда)




Келгуси 12 ойда инфляция кўрсаткичи жорий даражада ёки ундан юқоририоқ бўлишини кутаётган респондентларнинг улуши ўтган ойга нисбатан 5 фоизга юқорилади (6-расм).

6-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари (респондентларнинг улуши, фоизда)



Ушбу ойда тадбиркорларнинг аксарият қисми келгуси 12 ойда инфляцияни **9-12 фоиз** атрофида бўлишини кутишмоқда. Шунингдек, октябрь ойидан бир йилдан сўнг инфляция **17-20 фоиз** доирасида бўлишини кутаётган бизнес вакилларининг улуши ортиб бормоқда (7-расм).

7-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича респондентларнинг тақсимоти (респондентларнинг улуши, фоизда)



Тадбиркорлар томонидан кейинги 12 ойда нархлар ошишига валюта курсининг қадрсизланиши (44 фоиз) ҳамда ёқилғи маҳсулотлари ва транспорт хизматларининг нархлари қимматлашиши (39 фоиз) каби омиллар таъсир этиши мумкинлиги таъкидланди (8-расм).

8-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари (респондентларнинг улуши, фоизда)

| Омиллар | Январь | Февраль | Март | Апрель | Май | Июнь | Июль | Август | Сентябрь | Октябрь |
|--|--------|---------|------|--------|-----|------|------|--------|----------|---------|
| Валюта курсининг ўзгариши | 37 | 43 | 51 | 41 | 24 | 19 | 34 | 33 | 39 | 44 |
| Ёқилғи маҳсулотлари ва транспорт харажатларининг қимматлашиши | 42 | 36 | 36 | 37 | 25 | 27 | 31 | 29 | 35 | 39 |
| Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши | 26 | 21 | 17 | 21 | 30 | 29 | 23 | 26 | 23 | 22 |
| Импорт қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмлар қимматлашиши | 20 | 18 | 22 | 14 | 14 | 24 | 28 | 22 | 21 | 21 |
| Иқтисодиётда рақобат муҳитининг ёмонлашиши | 16 | 13 | 14 | 14 | 16 | 32 | 33 | 16 | 14 | 13 |
| Айрим товарларни импорт қилишдаги тариф ва нотариф чекловларининг мавжудлиги | 12 | 11 | 12 | 17 | 16 | 18 | 19 | 17 | 14 | 12 |
| Тижорий бино ва ижара тўловларининг ошиши | 13 | 11 | 10 | 9 | 9 | 10 | 12 | 13 | 11 | 11 |